

ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 май куни иқтисодиёт тармоқларида энергия самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.

Йилдан-йилга энергия ресурсларига талаб ошиб бораётган замонда улардан оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликни камайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу мақсадда 2024 йилда ҳудудларда электр энергияси ва табиий газни тежаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар шакллантирилди. Бу мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқаришга халал бермаган ҳолда энергия истеъмолини самарали ташкил этиш орқали муайян ҳажмларни тежашни назарда тутди.

Шунингдек, истеъмочиларни энергия аудитидан ўтказишнинг янги тартиби жорий этилмоқда.

Унга қўра, энергия аудити фақат халқаро стандартларга мувофиқ ўтказилади. Аудит асосида ташкилот ва корхоналар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва уларнинг ижроси назорат қилинади.

Бу борада шаффофликни таъминлаш учун энергия аудити хулосалари ва ундан кейин эришилган натижалар йиллик бизнес-режаларига киритилиб, кузатув кенгашида тасдиқланади.

Ҳар бир ташкилот раҳбарларига энергия самарадорлиги бўйича КРІ жорий этилади.

Шунингдек, истеъмочилар томонидан электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузганликлари учун амалдаги тарифга ўсувчи коэффициентни қўллаган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилиш, истеъмочилар томонидан мажбурий энер-

гия аудити ўтказиш натижасида белгиланган чора-тадбирларнинг муддатида бажарилмаслиги, ушбу чора-тадбирлар бажарилишидан иқтисод қилиниши кутилган ёқилғи-энергетика ресурслари қиймати миқдорида жарима қўллаш тартибини жорий қилиш масаласи ўрганилмоқда.

Яна бир таклиф – ташкилотлар, ҳудудлар ва кўчмас мулк объектлари кесимида энергия истеъмоли рейтингини жорий этиш. Бунда Энергетика вазирлиги томонидан энергия сифими энг юқори ва энг паст бўлганларнинг “10 талиги” юритилиб, оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилади.

Тақдимотда энергияни тежаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар ва уни амалга ошириш чоралари атрофида муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган таклифларни алоқадор

вазирлик ва идоралар билан биргаликда чуқур ва пухта ишлаб чиқиш, кўрсаткичларни халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари муҳокамасига киритиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Шунингдек, йиғилишда жорий йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.

Президент мутасаддиларга тайёргарлик ишларини ҳозирдан бошлаш ва барча зарур чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, жумладан, электр ва иссиқлик станциялари узлуксиз ва барқарор ишлаши учун зарур ёқилғи ресурслари, бутловчи ва эҳтиёт қисмларнинг захираларини шакллантириш, энергетика инфратузилмасини таъмирлаш ва модернизация қилиш юзасидан қатор кўрсатмалар берди.

ЎЗА

Мамлакатимизда давлат мулкни ижарага бериш тизими изчил такомиллаштирилмоқда. Соҳага тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш, давлат мулкни самарали бошқариш борасида тизимли ва таъсирчан чора-тадбирлар амалга жорий этилмоқда.



Моҳият Такомиллашган ТИЗИМ

давлат мулкidan самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган

Шу билан бирга, ҳаётда давлат мулкidan самарали фойдаланмаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Қолаверса, мулкни ижарага бериш тартибини бузиш билан боғлиқ қоидабузарликлар сони ортиб бормоқда. Жумладан, давлат мулки объектларини балансда сақловчилар томонидан давлат мулкни ижара-

га бериш тартибини бузиш ҳолатлари мавжуд. Бу ўринда, хусусан, ижара шартномасини тузмасдан ижарага бериш, ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сонини камайитириш, ижара тўловини яшириш каби ҳолатлар юзага келаётгани ҳақида сўз бормоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

Адолат тантанаси



Бўрттирилган “ҚОСИМОВЧИЛАР ИШИ” ёхуд Абдулла Қодирийни оқлаган суд раиси

Яқинда 12 та жиноят иши бўйича 205 нафар шахсга нисбатан Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг оқлов ҳукми чиқарилди. Ҳўш, мустабид тузум даврида қатағон қилинган бу ватандошларимиз қим бўлган? Уларнинг айби нима эди?



Суд ҳоқимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, одил судловга эришиш даражасини ошириш борасида қилинаётган ишлар ва истиқболдаги вазифалар хусусида, шунингдек, юқорида қайд этилган қонунда тўловга олиш мақсадида Олий суд раисининг ўринбосари Икром МУСЛИМОВ билан суҳбатлашдик.

(Давоми 2-бетда) ►

Қонун кўмаги

Сугурта полисини қўлга олар эканми, турли хил нохуш вазиятларга тушиб қолганда, шу сугурта ташкилоти кўмакка келишига ишонамиз. Тўғри, мол-мулк, соғлиғига зарар етаётган кишиларнинг кўпчилигига сугурта пули тўлаб берилади. Лекин баъзан сугурта пулини тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари ҳам учраб туради...



Ундирилган СУҒУРТА ПУЛИ

МУЛКИ ЁНИБ КЕТГАН ТАДБИРКОРГА СУҒУРТА ТАШКИЛОТИ ЭМАС, СУД ЁРДАМ БЕРДИ

Бекобод туманида яшовчи Сафарой Бердиева “Mis parvina” ишлаб чиқариш кооперативи (тикув цехи)ни 2021 йилда ташкил этган. Тадбиркор аёл тикувчилик, тўқилган ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга асосланган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Корхона давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 12 июнда-

ги “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дас-турида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Бугунги кунда С.Берди-

ева Бекобод туманида кооператив асосида 100 нафар кишлоқ аёлини иш билан таъминлаган. Бундан ташқари шариоити оғир ва ногиронлиги бўлган аёлларнинг уйларига тикув машиналари ва ярим тайёр маҳсулотлар етказиб бериб, уларни даромадли меҳнат билан таъминламоқда. (Давоми 3-бетда) ►

Таҳлил ва таклиф

Тўловга қобилиятсизлик ЖАРАЁНИ:

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Маълумки, юртимизда юридик ва жисмоний шахсларни тўловга қобилиятсиз деб эътироф этиш ва ундан кейинги жараёнлар “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонун ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Хусусан, юқорида қайд этилган қонунда тўловга қобилиятсизлик аломатлари белгилаб қўйилган. Бу аломатлар мавжуд бўлган ҳолларда ваколатли шахслар томонидан судга мурожаат қилиш орқали тўловга қобилиятсизлик иши кўзгатилиши мумкин ва бу турдаги низолар иқтисодий судларда қўриб чиқилади.

Тўловга қобилиятсизлик ҳолатининг кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув, тугатишга доир иш юритиш каби тартиб-таомиллари мавжуд. Айни босқичлар тўловга қобилиятсизлик ишини кўзгатиш юзасидан судга

мурожаат қилган пайтдан бошлаб то қарздор юридик шахслар давлат реестридан чиқарилганига қадар бўлган босқичгача ва 2 йилдан орტიқ вақт мобайнида давом этиши мумкин. (Давоми 3-бетда) ►

Асли Тоҷикистон Республикасининг Панжикент туманида туғилиб, вояга етган, кейинчалик оиласи билан Ургут туманига кўчиб келиб, муқим яшай бошлаган Мустафоқул Мамашуқуров (исм-шарифлар ўзгартирилди) ўғлини уйлангандан тўйга қўшни республикадан қариндошлари, яқин танишлари ҳам келишди. Меҳмонлар орасида синфдоши Бўрон Исमतов ҳам бор эди.

Жиноятга жазо муқаррар

Ҳуқуқия келишув

жиноий шерикларга қимматга тушди

Тўй маросими тугаб, меҳмонлар тарқалаётганида М.Мамашуқуров Бўрон Исमतов билан хайрлашаётиб, муддаосини айтди: “Шўрнавога ўтсангиз, Сайдуллонинг ўғли ёки қизига тайинланг, менинг олдимга бир келиб кетсин”...

Шўрнаво — Панжикент туманидаги кишлоқлардан бири. Сайдулло Шомирзаев ҳам худди Бўрон Исमतов сингари М.Мамашуқуров билан болаликдан бирга ўсган, бир синфда ўқиган. Илгари улар

оилавий борди-келди қилишарди. М.Мамашуқуров Ўзбекистонга кўчиб келганидан сўнг ҳам алоқалари узилмади. Бўёғини сўрасангиз, С.Шомирзаевнинг ҳаётда нопок қилмишлардан боши чиқмади — у гиёҳвандлик моддаси истеъмолига рўжу қўйгани етмаганидек, бу захри қотилнинг савдосига ҳам қўл ургани туйғули жиноий жавобгарликка тортилди.

(Давоми 4-бетда) ►

Мезон



Кафолатли ТИББИЙ ЁРДАМ

Кейинги етти йилда соғлиқни сақлаш тизимида ажратилаётган маблағлар ҳажми олти баробар оширилди. Шифохоналар замонавий жиҳозланиб, янгилари барпо этилмоқда. Тиббиётни халққа яқинлаштириш мақсадида жойларда скрининг текширувлари ўтказилмоқда.

Шунингдек, соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Биргина янги тахрирдаги Конституциямизда аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар тўрт баробар кўпайтирилди.

Гипертония, юрак-шемик ва сурункали ўпка хасталиклар, бронхит астма, қандли диабет, гепатит каби энг кўп учрайдиган 7 та касаллик гуруҳи бўйича даволанг стандартлари халқаро талаблар асосида янгиланди. Йил якунигача яна 300 та клиник протокол қайта кўриб чиқилади. (Давоми 3-бетда) ►



Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Тарих тилсимлари



ИСПАНИЯДАГИ ИБН СИНО КЎЧАСИ

Ватандошимиз, буюк мутафаккир, улғу табиб Абу Али ибн Синонинг номи ва илмий мероси минг йилдан кўпроқ вақт мобайнида Фарбу Шарқда катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда. Унинг ҳаёти ва фаолиятига доир кўп-лаб асарлар битилган, халқ орасида эса, ривоят ва афсоналар яратилган. (Давоми 4-бетда) ►

АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

Бўрттирилган “ҚОСИМОВЧИЛАР ИШИ”

ёхуд Абдулла Қодирини оқлаган суд раиси



«Бошланиши 1-бетда»

— Аввало, Олий суд томонидан яқинда кўриб чиқилган ишлар тафсилотларига тўхталас. Биринчи жиноят иши ҳужжатларида қайд этилишича, эски маҳаллий бойлар ҳисобланган Дадабой Умаралиев ва бошқалар Носирхон тўра Камолхонтўра ишига алоқадор шахслар сифатида 1929-1930 йилларда Наманган туманида аксилчиқлобий ҳаракати аъзоларини қўллаб келган. Улар совет ҳудудида куруллик кўзголон ёки аксилчиқлобий мақсаддаги ҳаракатларни амалга оширишда айбланган ва отувга ҳукм қилинган.

Иккинчи жиноят ишида эса, Хоразм вилоятида Эрнӣз Жуманиёзов ва бошқалар босмачилик аксилчиқлобий ҳаракати аъзолари билан доимий алоқа ўрнатганликда айбланган. Улар гўёки босмачилик гуруҳларини уйларида қабул қилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб, совет ҳокимияти томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларга ўзларида сақланган курулларни топширмаслик ҳамда коллективлаштиришга қарши тарғибот қилиш орқали қаршилик кўрсатган.

Учинчи жиноят иши бўйича Матчонбек Матмуродов ва бошқалар 1931 йил февраль ойи бошларида совет ҳокимиятини ағдариш, унга қарши курулланган босмачилик исёнчилик курашини ташкил этиш ҳамда олдинги хонлик бошқаруви тартибини тиклаш мақсадида Афғонистондан Хива ҳудудида ўтган Жунаидхоннинг ўғли Эшимхоннинг курулланган гуруҳларини кучайтириш учун янги кадрлар билан таъминлаш мақсадида алоқа ўрнатганликда айбланган.

Тўртинчи жиноят ишида Исмомил Юсупов (Қазақов) ва бошқалар 1937 йилда Хива тумани, Жундиён қишлоғида жойлашган “Хон Исмомил ота” масжидида йиғилишлар ўтказиб, аксилчиқлобий режалар тузган ҳамда “Жунаидхон”ни таниган эски бойлар сифатида куруллик тўда шакллантириб, совет ҳудудида куруллик кўзголон ёки аксилчиқлобий ҳаракатлар содир этишида айбланган. Уларнинг аксариятига ўлим жазао берилган, баъзилари ўзга юртларга сургун қилинган.

— Кўриб чиқилган жиноят ишлари ичида Саъдулла Қосимовга тегишли иш алоҳида ажралиб туради. Шу ҳақда батафсил тўхталсангиз?

— Суд С.Қосимовни 1924 йилдан 1925 йилга қадар Тошкент вилояти суди раиси ҳамда 1925 йил 23 декабрдан 1929 йил 3 мартга қадар Ўзбекистон ССР Олий суди раиси лавозимида ишлаб, шахсий бойлик орттириш мақсадида талон-тороқчилик, порахўрлик, тизимлик равишда таъмагирлик жиноятларини содир этганликда ҳамда миллий озодлик ҳаракати (“босмачилик”), “Миллий иттиҳод” аксилчиқлобий ташкилотининг фаол аъзоларини қўллаб-қувватлашда айбли деб топган.

Бирок С.Қосимовга тегишли жиноят иши ҳужжатлари ўрганилганда, унинг айбдорлиги суд мухожамаси давомида исботини топмасдан, жиний жавобгарликка тортилгани аниқланди. Ушанда ушбу жиноят иши бўйича исбот-

ланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текширилмаган. Судланувчини пора олиш эпизоди бўйича ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаб, уларни ҳисобга олиш чоралари кўрилмаган.

С.Қосимов дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида қўйилган айбловни инкор қилган. Шундай бўлса-да, уни айблаш учун фақатгина гувоҳларнинг дастлабки терговдаги кўрсатмалари асос қилиб олинган, ҳолос.

Суд мажлисидаги текширув натижасида С.Қосимов келтирилган жиноятларни содир этганлигини тасдиқловчи, ҳақиқатга мувофиқ мақбул ва ишончли далиллар аниқланмади. Қолаверса, унинг мазкур жиноятларни содир этганликда айбли деб топиш учун асос қилинган далиллар етарли эмас ва ҳозирги кунда қўшимча далилларни тўплаш имконияти қолмаган.

Ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда олимларимизнинг илмий ўрганишлари натижалари, шунингдек, жиноят иши материаллари С.Қосимовга нисбатан юритилган жиноят иши “марказ”нинг қатъий назорати ҳамда топшириги асосида, бирор объектив далилларсиз, қандай бўлмасин жиний жавобгарликка тортиб, унга нисбатан энг оғир жазони тайинлаш ҳамда шу орқали мустабид тузум сиёсатида қарши шахсларнинг иродасини синдириш мақсадини кўзлаганини тасдиқлайди.



Бу борада тадқиқ этилган иш материаллари, тарихий-илмий ҳужжат ва мақолалар шунини кўрсатадики, ўша даврда ҳар қандай миллий озодлик ҳаракатини шафқатсизлик билан бостирилиб, бошқаларга ўрнатилган ҳар қандай ишторқочликларига отув ёки бошқа энг оғир жазолар тайинлаш ўрта Осиёга нисбатан “марказ” сиёсатининг асосий мақсадларидан бири бўлган. Бундай вазиятда, табиийки, ишларни ҳолис кўриб, эълон қилинган айбни инкор этадиган ёки енгиллаштирадиган судьяларнинг кераги бўлмаган.

С.Қосимов эса, нафақат унга эълон қилинган айб эпизодлари, балки бошқа ҳолатлар бўйича ҳам судланувчиларга нисбатан инсонпарварлик тамойилларини қўллаб келган.

Бунга биргина мисол.

Ўзбекистон жумҳурияти Олий суди жиноят ишлари ҳайъатининг 1926 йил 16 июндаги ҳукмига кўра, РСФСР Жиноят кодекси асосида 2 йил озодликдан маҳрум қилинган буюк адиб, ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий ҳам С.Қосимов томонидан 1926 йил 17 июнь кун кирилган тақдирномага асосан, жазо муддатини ўтамасдан қамоқдан озод этилган. Пировардида Олий суд апелляция инстанциясининг 2023 йил 1 декабрдаги ҳукми билан Абдулла Қодирий оқлангани ҳам С.Қосимовнинг ўз даврида ҳақиқатни тиклашда изчил бўлганини кўрсатади.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексининг қонунсиз қийноқ ва қатагонларга чек қўйишга йўналтирилган суд-ҳуқуқ тизимида қонунийлик ва адолатни ўрнатиш учун прокурор ва судларга кенгроқ имконият бериш назарда тутилган ислоҳоти ҳақидаги саволларга жавоб беришни сўраб С.Қосимов 1928 йил 20 июнда Москвага мурожаат юборди. Ушбу мурожаат шусиз ҳам С.Қосимовнинг ҳаракатлари билан мурося қила олмаётган “марказ”нинг тоқатини тоқ қилади ҳамда 1929 йил бошларида унинг фаолияти устидан текшириш ўтказиш учун комиссия юборилади.

Комиссиянинг 1929 йил 3 мартдаги қарори асосида С.Қосимов лавозимидан озод қилиниб, қамоққа олинади. Бирок 3 ой давом этган текширув ва тергов натижаларига кўра, унга қўйилган айбловларнинг бирортаси исботини топмагани сабабли қамоқдан озод қилинади.

Ҳақиқатни аниқлашдан кўра, С.Қосимовни қандай бўлмасин жазолашни мақсад қилган “марказ” томонидан комиссиянинг текширув ва тергов фаолияти қаттиқ танқидга олинди, С.Қосимовга нисбатан қайтадан жиноят иши очилади. Мазкур жиноят иши доирасида, бирор-бир ишончли ва ҳолис далилсиз судсиз ва тергов-

ли бўлган ҳолатлар атрофлича ўрганилмай, текшириб чиқилмай ва баҳоланмай, биргина икдорлик кўрсатмаларига асосланган ҳолда ҳукм чиқарилган. Иш ҳужжатларида айрим айбдор шахслар фақат ўзбек ёки бошқа тилини билиб, ўз кўрсатмаларини араб алифбосида ёзган. Шундай бўлса-да, тергов ҳаракатлари рус тилида юритилиб, гўёки уларнинг кўрсатмалари ўзбек тилига таржима қилингани қайд этилган.

Ҳолбуки, жиноят ишини тергов қилган шахслар араб алифбосида ёзишни ҳамда ўзбек тилини билганлигини ҳам тасдиқловчи бирор далил мавжуд эмас. Жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини юритишга масъул шахслар томонидан ишга таржимон (тилмоч) жалб қилинмаган. Бундай ҳолатда чиқарилган қарорларни қонуний ва асосли деб бўлмади.

— Мустабид тузум томонидан шафқатсиз қатагон қилинган давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндлари, оддий касб эгаси бўлган минглаб юртдошларимиз номини абадийлаштириш, уларнинг жасорати, матонати мисолда ёш авлоднинг ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

— Жуда тўғри. Буни мустабид тузум даврида ноҳақ айбланган, мол-мулк мусодара этилиб, ўзлари қатагону қувғинга дучор этилган аждодларимизнинг пок номи оқлиниб, тарихий адолат тикланаётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бу ҳақда гап борганда, Олий судда 31 та жиноят иши доирасида қатагон қурбони бўлган 1031 ватандошимизга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиб, тарихий адолат тикланганини таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда халқимизнинг миллий ўзлигини англаш, янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида қўяётган қўллуқ қадамлари мукаррам инсон эотиға ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, инсон хотирасига нисбатан адолат ва ҳақиқатни қарор топтиришдек эзу амаллар билан узвий боғлиқ

ўз даврида ватан ҳимояси, юрт мустақиллиги, дини, эътиқоди, маданияти ва миллат гурури учун курашганини тўлиқ тасдиқлайди.

Афсусланарлиси шундаки, уларнинг эзу интилишлари мустабид тузум томонидан топталган, ўзлари эса энг оғир жазоларга мустаҳиқ этилган. Дастлабки тергов даврида жиноят ишида айбланувчи тариқасида ўтган барча шахслар аввалбошда айбловни инкор қилиб келган бўлса-да, кейинчалик қийноқлар остида икдорлик кўрсатмасини беришга мажбур бўлганини сўроқ баённомасида ҳам кўриш мумкин.

Бундан ташқари, уларни айбдор деб топишда — ишга тааллуқ-



дан иборат эди. Маърифатпарвар боболаримиз саъй-ҳаракати билан ташкил этилган янги усулдаги мақаблар, театр, кутубхона ва музейлар, газета ва журналлар, юрт фарзандларини чет элларга ўқишга юбориш мақсадида тузилган хайрия жамиятлари халқимизда неча асрлик ғафлат уйқусидан уйғотиб, миллий озодлик ҳаракати учун беқиёс куч берган.

Аммо юртимизда большевиклар диктатураси ўрнатилгач, чор мустамакчилик сиёсати янгича шаклда давом эттирилди. Бу эса маърифатпарвар боболаримизга ўз мақсад-муддolariни тўлиқ амалга ошириш имконини бермади.

Энг ачинарлиси, маърифатпарвар аждодларимиз шаъни “босмачи” деган ноҳақ тавқи лънат билан топталди. Уларнинг аксарияти ноҳақ айблов, сохта далиллар билан қатагон қилинди. Бундан ҳам дахшатлиси, маърифатпарвар боболаримизнинг қўчилиги “учлик” деган тузилма буйруғи билан суд-сўроқсиз ўлим жазосига ҳукм қилинган.

Шуқри, бу аждодларнинг эзу орзу-ниятлари халқимизнинг қон-қониди, тарихий хотирасида сақланиб қолди ва ҳануз яшамоқда. Бугунги кунда бутун элимиз қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган янги Ўзбекистон гоёси замирида уларнинг орзу-интилишлари ва армонлари мужассам.

Бу маънода, Ватанимиз истиклоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида мардонга курашган, азиз жонларини фидо қилган, мустабид тузум даврида қатагон қилинган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани — тарихий адолат тикланаётгани ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Бу беҳиз эмас. Чунки айни мавзудаги тарихий маълумотларни ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш мустақиллик қандай оғир ҳамда машаққатли курашлар билан қўлга киритилганини янада чуқур англашга хизмат қилади. Шу би-

еканини алоҳида қайд этиш зарур.

Бу эзу ташаббуснинг туб моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган аср бошларида юртпарвар, миллатпарвар боболаримиз янгилини ва эркинлик, адолат ва тенглик, илм-маърифат ва миллий ўзлигини англаш гоёларига таяниб, озодлик учун мардонвор кураш майдонига чиққанини кўраимиз. Бу фаолият жадидчилик ҳаракати номи билан машҳур бўлган.

Аслида, ушбу улғ зотларнинг мақсади жаҳолат ва қоқоқлик гирдобиди қолган халқни дунёвий илм-фан, илғор касб-хунарлар билан куруллантириб, умумбашарий ривожланиш йўлига, янги тараққиёт манзилига олиб чиқиш-



лан бирга, бугунги эркин, озод ва обод ҳаётимизни асраб-авайлаб, кадрлаб яшаш кераклигидан сабоқ беради. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, халқимизнинг фидойи фарзандлари, маърифатпарвар аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳақиқатни тўлиқ юзага чиқариш, уларга нисбатан тарихий адолатни тиклаш, бу борадаги ишларнинг кўлами ва самарасини оширишни тақозо этади.

Мустабид тузум даврида ноҳақ айбланган, мол-мулк мусодара этилиб, ўзи қувғинга қатагону дучор этилган аждодларимиз жуда кўп. Улар орасида пок номлари ҳамон қора рўйхатларда қолиб кетган, яъни оқланмаганлари бор. Ноҳақ айбланган бундай одамларни оқлаш, хотирасига ҳурмат кўрсатиш, авлодларига таскин ва умид бериш мақсадида уларга тегишли ҳужжатлар синчковлик билан ўрганилди ва ўрганилмоқда.

— Бугун жамиятнинг барча соҳаларида кенг татбиқ этилаётган “Инсон қадрини ўзгаришга қаршилик” эзу тамойили суд-ҳуқуқ тизими фаолиятига қанчалик чуқур кириб бормоқда?

— “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тизимли ва кенг қамровли ислоҳотларимизнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур дастурилан ҳужжатнинг “Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш” деб номланган йўналишида биз фикр юритаётган соҳага тааллуқли муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар ҳақида сўз борганда, бу борадаги асосий мақсадлардан бири давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда маъмурий адлия тизимини янада ривожлантиришдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун 2030 йилгача маъмурий судларга бевосита мурожаат этишга тўқсинлик қилаётган омиллари тўлиқ бартараф этиш, судга қадар босқичда низоларни ҳал қилиш самарадорлигини 50 фоиз ошириш, судга қадар ҳал этилиши мумкин бўлган низолар юзасидан судларга келиб тушадиган ишлар сонини 50 фоиз камайтириш каби вазифалар белгиланган.

Ана шу устувор вазифалар ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши суднинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, унга нисбатан ишончини ошириш ва фуқароларнинг судга мурожаат қилиш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Бу эзу амалларнинг амалиётга изчил татбиқ этилаётгани янги Ўзбекистон гоёси негизда, аввало, инсон омили мужассамлигининг яна бир ёрқин ифодасидир. Инсон шаъни, кадр-қиммати ва хотирасини ҳар қандай тажовулардан кўз қорачиғидек асраш вазифаси ҳар доим устувор бўлиб қолаверади.

Сўхбатни “Янги Ўзбекистон” муҳбири Лутфулла СУВОНОВ ёзиб олди.

“Янги Ўзбекистон” газетасининг 2024 йил 25 май сонидан олинди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Тахлилларга кўра, 2022 йилда давлат мулкни ижарага бериш тартиби 595 та ҳолатда бузилган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 581 тани ташкил этган. Бундай қоидабузарликлар учун баланда сақловчилардан ижара тўлови давлат мулкidan фойдаланилган даврда унинг икки баравари миқдоридан, яъни 1,8 миллиард сўм ундирилган.

Бу борада Олий Мажлис Сенатининг эллик иккинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган "Давлат мулкни ижарага бериш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун муҳим аҳамият касб этади. Чунки ушбу янги қонунда давлат мулкни ижарага бериш тартибини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва бу борадаги жавобгарликни кучайтириш белгиланган.

Айтиш кераки, янги қонун билан давлат мулкни ижарага бериш тартибига риоя этмаганлик, бўш турган давлат мулкidan самарали фойдаланиш бўйича чоралар



Тақомиллашаётган ТИЗИМ давлат мулкidan самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган

кўрмаганлик, шунингдек, давлат мулкни ижарага олган тадбиркорлик субъектлари ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмоқда. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги 215-8-модда киритилмоқда. Мазкур модда талабига кўра: биринчидан, давлат мулкни белгиланган тартибда ижара шартномасини туз-

масдан ижарага бериш, ижарага олинган давлат мулкни қабул қилиб олишда, ижара муносабатларининг объекти худудига кириш ва ундан фойдаланишда ижарага олувчига асоссиз равишда тўсқинлик қилиш ёки ижарага берилмаётган давлат мулкнинг параметрлари ва сонини ижара шартномасида нотўғри кўрсатган ҳолда давлат мулкни ижарага бериш – мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш

миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга; иккинчидан, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасига ҳам ўзгартириш киритилди. Яъни ушбу кодекснинг 215-8-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларга доир ишлар эндиликда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликка оид маъмурий баённомалар Рақобат қўмитасининг мансабдор шахслари томонидан расмийлаштирилади.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонун муҳим ҳуқуқий асос сифатида давлат мулкни ижарага беришда йўл кўйилаётган қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади. Шунинг баробарида, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш имконини беради.

Янги қонуннинг қабул қилиниши давлат мулкidan самарали фойдаланиш, ижарага олувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Эркин ГАДОВЕВ, Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Тадбиркор аёл тайёр маҳсулотларни нафақат ички бозорга, балки бошқа давлатларга экспорт қилиш мақсадида фаолият юритаётган эди.

Афсуски, ўтган йил тадбиркорнинг бошига ташвиш тушиб қолди. Корхонанинг ишлаб чиқарилган маҳсулотлари сақланадиган омборхонасида 2023 йил 12 июлда электр симларидида қисқа туташув оқибатида ёнғин содир бўлиб, тайёр маҳсулотлар ёниб кетган ва яроқсиз ҳолга келган.

Корхонанинг суғурта шартномасига асосан, содир бўлган ёнғин (суғурта ҳодисаси) туфайли етказилган зарарни қоплаб бериш ҳақидаги мурожаатлари суғурта ташкилоти томонидан турли баҳоналар рўқан қилинган ҳолда оқибатсиз қолдирилган, суғурталанган мол-мулклар қиймати қоплаб берилмаган.

Оқибатда, тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатлари бузилган. Суғурта ташкилотининг ҳаракатсизлиги сабабли тадбиркорнинг унга бўлган ишончи йўқолган. Судда одил судловни амалга ошириш йўли билан тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқладиган манфаатлари ҳимоя қилинди.

Аниқроқ айтганда, Савдо-сановат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси "Mis parvina" ишлаб чиқариш кооперативи манфаатида даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Ишдаги далиллар суғурта шартномасига асосан даъвогар томонидан жавобгарга суғурта ҳодисаси тўғрисида хабар берилгани, аммо жавобгар ўз зиммасига олган шартномавий мажбуриятни бажармаганидан далолат беради.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 23 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

Тошкент шаҳар суди иқтисодий бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 26 мартдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришиз, суғурта компаниясининг апелляция шикоятни қаноатлантирмасдан қолдирилган.

Аммо судда ютказган иккинчи томон бундан норози бўлиб, тафтиш тартибда шикоят йўллади.

Ишдаги ҳужжатлардан аниқланишича, суғурта компанияси номидан ишончнома асосида фолият қўрсатувчи Бекобод суғурта маркази ва "Mis parvina" ишлаб чиқариш кооперативи ўртасида мол-мулкни суғурталаш шартномаси тузилган.

Ушбу шартномага кўра, суғурталовчи шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурта қилдирувчининг бошқа мулкий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш мажбуриятини олган.

Суғурта шартномасининг 4.1-бандида ушбу бандда кўрсатилган ҳодисалар натижасида суғурталанган мол-мулкнинг доимий сақланиш жойида зарарланиши, нобуд бўлиши ёки йўқотилиши суғурта ҳодисаси ҳисобланади, 5.1-бандида суғурталанаётган мол-мулкнинг суғурта қиймати 805 миллион 150 миң сўмни ташкил этиши белгиланган.

Ушбу шартнома асосида

даъвогарга 0081895-сонли суғурта полиси берилган бўлиб, унда суғурта қиймати 805 миллион 150 миң сўм, суғурта мукофоти 4 миллион 25 миң 750 сўм, полисининг амал қилиш даври 2023 йил 17 апрелдан 2024 йил 16 апрелга қадар белгиланган.

Бекобод тумани Фавқулодда вазиятлар бўлимининг маълумотномасига кўра, 2023 йил 12 июль кuni соат 08:35да даъвогарга қарашли тикув чеҳи омборхонасида ёнғин содир бўлган.

Даъвогар 2023 йил 17 июлда ариза билан суғурталовчининг Тошкент вилоят филиалига мурожаат қилган ва тикув чеҳи омборида юз берган ёнғин натижасида суғурта қилинган мулкларни ёниб кетганини қайд этиб, суғурта товонини тўлашни сўраган.

Аммо жавобгарнинг 2023 йил 14 августдаги хатига кўра, суғурта ҳодисаси тан олинмагани сабабли суғурта товонини тўлаш рад этилган. Бундан норози бўлган даъвогар Савдо-сановат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига мурожаат қилган. Шундан сўнг Палата "Mis parvina" ишлаб чиқариш кооперативи манфаатида даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Ишдаги далиллар суғурта шартномасига асосан даъвогар томонидан жавобгарга суғурта ҳодисаси тўғрисида хабар берилгани, аммо жавобгар ўз зиммасига олган шартномавий мажбуриятни бажармаганидан далолат беради.

Ваҳоланки, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддасига кўра, суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, қонунчиликда ёки суғурта шартномасида назарда тутилган мuddатларда бarchа зарур ҳисоб-китобларни ва суғурта товони тўловларини амалга ошириши шарт.

Фуқаролик кодексига мувофиқ, мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз бергани хабардор қилиши шарт. Агар шартномада хабар қилиш мuddати ва (ёки) усули назарда тутилган бўлса, бу шартлашилган мuddатда ва шартномада кўрсатилган усулда амалга оширилиши лозим.

Судлов ҳайъати тарафлар ўртасидаги ушбу низо жавобгарнинг ўз шартномавий мажбуриятларини бажармаганидан келиб чиққан ва унинг ҳаракатсизлиги оқибатида тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқладиган манфаатлари бузилган, деб ҳисоблади.

Судлов ҳайъати суғурта компанияси вакилининг илтимосномасини қаноатлантиришни рад этди. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 23 январдаги ҳал қилув қарори, Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 26 мартдаги қарори ўзгаришиз, тафтиш тартибидида шикоят эса, қаноатлантирмасдан қолдирилди.

Шу тарихда адолат қарор топди. Мулк ёнган тадбиркорнинг манфаати эндиликда суд қарори ижроси орқали таъминланди.

Иброҳим АЛИМОВ, Тошкент шаҳар суди раиси ўринбосари – иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси

Advertisement for 'Mezon' (Mezon) featuring a doctor and text: 'Кафолатли ТИББИЙ ЁРДАМ'.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Беморларга оддий текширувларни белгилаш, дорисиз даволаш каби вазифалар шифокордан ҳамширага ўтказилади. Поликлиникаларда беморлар ҳаракати тартибга солиниб, шифокорларга навбат кутиш вақти камайитирилади.

Аммо тахлиллар бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳали етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда. Бугунги кун талаблари негизда соҳага замонавий бошқарув ва самарали даволаш усулларини жорий қилиш зарурати мавжуд.

Шу боис Ўзбекистон Президентини томонидан жорий йил январь ойида "Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Бундан қўзланган мақсад соҳада амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш, тиббиёт муассасалари фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида

ташкил этиш, кадрлар салоҳиятини оширишдир.

Ушбу ҳужжат билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасида "Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази" лойиҳа офиси ташкил этилди. Давлат тиббий суғуртаси тизими ҳамда кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакетини тўлиқ жорий этиш, тиббий хизматлар сифати ва хавфсизлиги устидан назорат тизимини тақомиллаштириш, давлат харидлари самараси ва шафқатлигини ошириш, фармацевтика соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда санитария қоида ва нормаларини замонавий талаблар асосида янгилаш ушбу лойиҳа офисининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Ўтган вақт давомида лойиҳа офиси томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жорий йил 21 май кuni Президентимиз раҳбарлигида бўлиб ўтган йиғилишида бу ишлар тахлил қилиниб, гадаги вазифалар белгилаб берилди. Маълумки, уч йил аввал тажриба тарихида Сирдарё

вилоятида тиббий суғурта механизмлари йўлга қўйилган эди. Ўтган уч йиллик вақт давомидаги тахлиллар тиббиёт соҳасига суғурта тизимини жорий қилиш билан боғлиқ бир қатор муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатди.

Бунинг асосий сабабларидан бири тиббиёт муассасаларининг етарлича рақамлаштирилмагани билан изоҳланади. Оқибатда шифокорларнинг кўп вақти беморларни текширишга эмас, балки ҳисобот тўлдирishiга кетиб қолмоқда. Шунинг учун йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан Тошкент шаҳрида соҳани рақамлаштириш бўйича намунавий тизим яратиш вазифаси қўйилди.

Шу мақсадда барча муассасалар янги компьютер ва техника воситалари билан жиҳозланади. Йил якунигача "Электрон поликлиника" ва "Электрон шифохона" тизимлари ишга туширилади. Хусусан, 2024 йилда Тошкент шаҳрида давлат тиббий суғурта механизмлари жорий этилади.

Шу мақсадда барча муассасалар янги компьютер ва техника воситалари билан жиҳозланади. Йил якунигача "Электрон поликлиника" ва "Электрон шифохона" тизимлари ишга туширилади. Хусусан, 2024 йилда Тошкент шаҳрида давлат тиббий суғурта механизмлари жорий этилади.

Шу мақсадда барча муассасалар янги компьютер ва техника воситалари билан жиҳозланади. Йил якунигача "Электрон поликлиника" ва "Электрон шифохона" тизимлари ишга туширилади. Хусусан, 2024 йилда Тошкент шаҳрида давлат тиббий суғурта механизмлари жорий этилади.

Шу мақсадда барча муассасалар янги компьютер ва техника воситалари билан жиҳозланади. Йил якунигача "Электрон поликлиника" ва "Электрон шифохона" тизимлари ишга туширилади. Хусусан, 2024 йилда Тошкент шаҳрида давлат тиббий суғурта механизмлари жорий этилади.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мазкур тартиб-таомиллар қарздор юридик шахснинг молиявий ҳолати ва кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажара олиш қобилиятидан келиб чиққан ҳолда суд томонидан белгиланади ҳамда суд ҳужжатида асосан тайинланади. Ҳар бир таомил алоҳида ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, тайинлаш мuddати ҳам турлича.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, судлар томонидан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишларни кўришининг асосий мақсади корхонани тугатиш эмас, балки уни соғломлаштириш ва тўловга қобилиятини тиклаш ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт ривожини учун муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда корхоналарнинг тўловга қобилиятсизлик ҳолати хорижий давлатларда қандай ҳал этилаётганига тўхталсак. Ушбу ҳуқуқий муносабатлар Европада китъасининг бир қатор мамлакатларида алоҳида банкротликка оид кодекслар, АҚШда эса, алоҳида кодекс ва Банкротлик жараёнлари федерал қондалари билан тартиб-

Тахлил ва тақлиф Тўловга қобилиятсизлик ЖАРАЁНИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

га солинади. Шу боис АҚШ ва илғор хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, миллий қонунчилигимизда тўловга қобилиятсизликка доир барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзида жамлаган "Тўловга қобилиятсизлик кодекси"ни ишлаб чиқишга катта эҳтиёж бор. Чунки ушбу соҳа ҳам кўлами ва долзарблиги жиҳатидан кодекс билан тартибга солинадиган бошқа соҳалардан асло кам эмас. Бундан ташқари судгача санация институтини янада ривожлантириш эҳтиёжи мавжуд. Агар қарздор ва кредиторлар ўртасида судгача санация тартиби жорий қилинса, ушбу ҳолатда қарздорнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, хусусан, банк қарздорлиги ва улар бўйича неустойка қарздорлигини сана-

ция мuddати тугагунча тўхтатиб туриш зарур. Ҳозирги пайтда судгача санация институти амалий қонунчилигимизда ҳам тўловга қобилиятсизлик деб топилган жараёни тақлиф қилинган. Масалан, Сингапурда тўловга қобилиятсизлик ҳолатига тушиб қолган корхоналарни соғломлаштириш ва тугатиш билан боғлиқ хизматлар давлат томонидан бериладиган лицензия асосида фаолият кўрсатадиган махсус хизмат орқали ҳал этилади. Японияда юридик ва жисмоний шахсларни тўловга қобилиятсиз деб топилган жараёни анча мукамал тартибга солинган. Ушбу мамлакатда тўловга қобилиятсизликка доир масалаларни суд эмас, балки ҳукумат ҳал қилади. Ана шу хорижий тажри-

баларнинг илғор жиҳатларини ўрганиб чиққан ҳолда миллий қонунчилигимизга ҳам тўловга қобилиятсиз деб топилган жараёни тақлиф қилинган. Масалан, бошқа маълум бир ижро ҳокимиёти томонидан ҳам амалга оширилган жараёни тақлиф қилинган. Масалан, тўловга қобилиятсизликка доир ишларни солиқ органлари соддалаштирилган тартибда амалга ошириши мумкин. Бундай ўзгартириш вақт ва маблағни тежаш баробарида умумий тартибдаги тўловга қобилиятсизлик билан боғлиқ суд ишларига юктамаларнинг камайиши ҳам ёрдам беради. Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси-

ни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки юртимизда иқтисодиётни юксалтириш, тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашда тадбиркорлик соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Корхоналарнинг тўловга қобилиятсизлик масаласини қонуний тартибга солиш механизми ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Саида МАХМУДОВА, Фаргона туманлараро иқтисодий суди судьяси



Тарих тилсимлари

ИСПАНИЯДАГИ ИБН СИНО КЎЧАСИ



«Бошланиши 1-бетда»

Бу каби афсона ва ривоятлар нафақат Шарқ, балки Ғарбда ҳам машҳур бўлган. 1404-1405 йилларда соҳибқирон Амир Темур саройига Кастилия қироли номидан элчи бўлиб келган Руи Гонзалес де Клавихо кундалигида қизиқ бир маълумот қайд этилган. Элчининг ёзишча, ўша йилларда олис Испанияда ҳам ибн Сино ҳақида турли ривоят ва афсоналар кенг тарқалган. 1404 йилнинг 13 июнь куни Самарқанд сафарига чиққан Клавихо Испаниянинг шарқий соҳилларига яқин бўлган Ивиса оролига келиб тўхтади.

“Ивиса — кичик орол, — деб ёзади Клавихо кундаликларида. — Турли хил дов-дарахтлар билан қопланган. Шаҳар денгиз соҳилидаги баланд тепалиқда жойлашган. У уч қатор истеҳком девори билан ўралган бўлиб, девор ораллиғидаги ҳудудда ҳам аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарнинг денгизга яқин энг баланд жойида юксак қалъа қад ростлаган. Бу қалъа ҳам девор билан ўралган. Қалъа ёни-

да баланд минорали шаҳар черкови бор, у қаср билан туташиб кетган. Оролда денгиз сувидан туз ажратиб оладиган корхона ишлаб турибди. Ҳар йили денгиз сувидан кўплаб туз ажратиб олинади. Бу ерга Шарқдан кемалар келиб, туз ортиб кетади. Корхонанинг даромади катта. Шаҳар деворида “Авиценна” деган минора бўлиб, миноранинг ичкараси хоналардан иборат. Авиценнани шу оролда туғилган дейишади...”

Ибн Сино Ғарбда Авиценна номи билан Клавихога қадар ҳам донг таратгани маълум. Чунки улуг ҳақим асарлари XII асрдаёқ Европада лотин тилига таржима қилинган. Италиялик машҳур файласуф Герардо Кромонезе (1114-1187) ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асаридидаги бир неча обларни лотин тилига ўғирган. Италиялик машҳур адиб Алигьери Данте (1265-1321) “Илоҳий комедия” асари-

да ибн Сино номини кўплаб Шарқ алломалари қаторида эътироф этган. Бу ибн Синонинг Европада машҳур бўлгани, номи тилларда дoston бўлганини исботлайди.

Айни пайтда Испанияга тегишли бўлган бу орол мамлакатнинг шарқий қисмида, Ўртаер денгизидидаги Питиуз архипелаги таркибига қиради. Орол бугунги кунда бешта маъмурий бирликка бўлинган. Клавихо тилга олган қалъа айни пайтда Ивиса муниципалитетининг маъмурий маркази ҳисобланади. 11 квадрат-километрини эгаллаган шаҳарда 50 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ивиса шаҳридаги марказий кўчалардан бири ҳам ибн Сино (Авиценна) номи билан аталади.

Шаҳардаги бир қатор тарихий ёдгорликлар қаторида Ивиса қалъаси ҳам сақланиб қолган. Тепалиқда жойлашган қалъа минораси унинг энг

баланд нуқтаси саналади ва у узоқдан кўриниб туради. Аммо ҳозирда у ибн Сино номи билан аталмайди. Эҳтимол, Клавихо тилга олган қалъадаги ички хоналарга эга бўлган ягона минора ўтмишда буюк бобаклонимиз номи билан аталган, кейинчалик унинг номи ўзгариб кетган ёки айнан ўша минора бугунги кунгача етиб келмагандир? Афсуски, ҳозирча бу ҳақда аниқ маълумот йўқ бўлса-да, буюк бобаклонимизнинг номи олис Испаниянинг чекка ҳудудида ҳозир ҳам ҳар кун тилга олинади. Бу биз — авлодларга фахр бағишлаши баробарида зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Зеро, аждодларга муносиб бўлиш фидойиллик, шижоат ва интилишни талаб этади.

Рустам ЖАББОРОВ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

«Бошланиши 1-бетда»

С.Шомирзаев М.Мамашукуровни бошқа танишларига нисбатан ўзига яқин олар, унга қаттиқ ишонгани учун гиёҳвандлик моддасини чегарадан яширинча олиб ўтгач, унинг уйда сақлаш учун қолдириб кетар, бунинг учун мумайғина хизмат ҳақи беришни ҳам унутмасди. Бу орада М.Мамашукуровнинг ўзи ҳам гиёҳвандлик моддасининг ноқонуний савдосига қўл ургани учун жиноий жавобгарликка тортилади. У жазони ўтаб қайтгач, С.Шомирзаев унинг аҳволидан хабар олгани уйига келади ва “ёрдам” дея бир килоча захри қотилни текинга қолдириб кетади.

Умрини нопок ишга сарфлаган С.Шомирзаев орадан кўп ўтмай бедаво дардга йўлиқади ва қийналиб ҳаётдан кўз юмади. Қисқаси, М.Мамашукуров ана шу ҳамтовоғининг фарзандларини кутилмаганда йўқлаб қолиши бежизга эмасди... Орадан ўн кунлар ўтгач, С.Шомирзаевнинг қизи Моҳируй Ургут туманига етиб келади ва куюқ зиёфат устида М.Мамашукуровдан қандай мақсадда чақирганини сўрайди. Шунда мезбон муддаосини айтади: маҳрум ҳамтовоғининг қизига гиёҳвандлик воситалари савдоси билан шуғулланишда ҳамкорлик қилишни таклиф этади.

Буёғини сўрасангиз, Моҳируй ҳам отаси сингари мўмай бойлик учун ҳар қандай разил ишга қўл уришдан тоймайдиган аёл эди. Шу боис у йўлаб ҳам ўтирмай М.Мамашукуровнинг таклифига розилик билдирди.

Шу ўринда “оғу” билан ўзгалар ҳаётини заҳар-зақумга айлантириш, оилаларни пароканда қилиш, норасида гўдакларнинг кўз ёши эвазига нопок йўл билан боғлиқ орттиришдан тап тортмайдиган бу маънан қашшоқ аёлнинг жиноятга мойиллигининг яна бир қатор сабаблари борлигини таъкидлаш жоиз. Халқимиз “Куч индида кўрганни қилади”, дея бежиз айтмаган. Моҳируй ҳам шундай нопок оилада вояга етган, отаси С.Шомирзаев гиёҳвандлик воситалари савдосига қўл ургани учун жиноий жавобгарликка тортилган, бунинг устига бангилик касофати ўзига уриб, олтимиш ёшга етмасдан бу ёруғ оламни тарк этганди. Бу ҳам етмагандек, онаси ҳам шундай нопок ишга қўл уриб, жиноий жавобгарликка тортилганди.

Энг ёмони, Моҳируйнинг ўзи ҳам 2017 йилда икки кило “опий” гиёҳвандлик воситасини Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳодим-



Жиноятга жазо муқаррар

ХУФҲА КЕЛИШУВ

ЖИНОЙ ШЕРИКЛАРГА ҚИММАТГА ТУШДИ

лари томонидан қўлга олинган ва ўн икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Фақат 2019 йилда Тожикистон Республикасида оммавий амнияти эълон қилинган боис у жазонинг қолган қисмини ўташдан озод этилганди. Шунингдек, унинг турмуш ўртоғи З.Р.Фоев ҳам айнан шундай нопок ишга қўл ургани учун Қозоғистон Республикасида 2015 йилдан бунён узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётганди.

М.Шомирзаева ана шундай чиркин муҳитда яшаган. Афсусланарли томони шундаки, у бошига тушган бу кулфатларга аввало ўзи сабабчи эканини уйлаб кўриб, хулоса чиқаришни қалъига ҳам келтирмаганди.

Айни дамда у М.Мамашукуровнинг гаразли таклифини рад этмайди, аксинча, катта миқдордаги гиёҳвандлик моддасини топиш қийин эканини айтади. Ўз навбатида, ҳамтовоғи “молни мен топаман, сен ишончли харидор топсанг бўлди” дейди. Шунингдек, у харидор топилса, гиёҳвандлик моддаси тайёр эканлиги ишора ҳам қилади.

Қисқаси, ушбу хуфя келишувдан сўнг Моҳируй ўзининг қўл телефони рақамини қолдириб, уйига кетади. Халқимиз “Ўхшатмасдан учратмас” деб бежиз айтмаган. Бундай дейишимизнинг сабаби шундаки, Моҳируй пинхона тарзда харидор излаб юрганда, харидор оёғи остидан чиқиб қолади. Аниқроғи, кутилмаганда нотаниш бир аёл унга кўнғироқ қилади.

Гап шундаки, Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида яшайдиган Гулбону Эрдонова унинг телефон рақамини турмуш ўртоғининг Тожикистонда яшовчи Улуғбек деган танишидан олиб,

кўнғироқ қилади. Гулбонунинг айтишича, Моҳируйнинг қариндoshi Маҳсиддиндан анча вақт буён қарзини ололмаётган экан, излаб боради деса, манзилни билмайди. Хуллас, Г.Эрдонова Моҳируйдан Маҳсиддиндан қарзини олишда ёрдам беришни сўрайди.

— Маҳсиддин билан маҳалладошимиз, — дейди Гулбонуни кутиб олган Моҳируй. — У турмуш ўртоғимнинг қариндoshi, усталик билан шуғулланади, кечроқ уйига борамиз.

Қисқаси, улар Маҳсиддиннинг уйига қайта-қайта излаб боришади, аммо топишолмайди. Ниҳоят, учинчи кун уни тасодифан кўчада учратиб қолишади. Маҳсиддин қарзининг бир қисмини беради, қолганини тез орада етказишга ваъда қилади.

Буёғини сўрасангиз, икки аёл уч кун бир уйда яшаб, гаплашмаган гаплари қолмайди. Моҳируй гап орасида гиёҳвандлик моддасига харидор излаётганини ҳам айтиб ўтади. Бу Гулбонунинг қизиқтириб қўяди. У Моҳируйга қўшини Қозоғистон Республикасида танишлари борлигини айтarkan, ўша пайтнинг ўзида “Мурод” исмили шахсга “WhatsApp” мессенжери орқали кўнғироқ қилиб, гаплашади.

— “Опий” гиёҳвандлик воситаси бўлса, ўн кило оламан, дейди “Мурод”. — Агар нархи маъқул келса, Самарқандга бориб молни ўзим олиб келишим мумкин.

Моҳируй харидор топилганидан кувониб эртаси кунёёқ М.Мамашукуровнинг олдига югуради. Гулбону харидор келадиган кун Самарқандга етиб боришини айтиб, уйига қайтади.

Дастлаб М.Мамашукуров “харидор ишончлими?” — деб сўрайди. Моҳируй эса, Гулбону билан харидор ўртасидаги суҳбатини, шунингдек, пули ҳам тай-

ёр эканини айтгач, у “товар”нинг нархини аввалдан ўзаро келишиб олиш зарурлигини ўқтиради.

Шундан сўнг Моҳируй яна телефон орқали Гулбону билан боғланади. Кўп миқдордаги “опий” гиёҳвандлик воситасини келгусида Самарқанд шаҳри ҳудудида сотиш хусусида учовлон олдидан жиноий тил бирик-тиришади, жиноий режа тузиб, вазифаларни ўзаро тақсимлаб олишади.

Жиноий режага мувофиқ, М.Мамашукуров ўн кило “опий” гиёҳвандлик воситасини терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахслардан олиб, жиноий шериги М. Шомирзаевага 70 минг АҚШ долларига, уни қабул қилиб олган М.Шомирзаева ҳамтовоғи Г.Эрдоновага 80 минг АҚШ долларига сотишга келишилади. Ўз навбатида, Г.Эрдонова таниш харидорга 100 минг АҚШ долларига пуллашни режалаштиради.

Орадан икки кун ўтиб, М.Шомирзаева М.Мамашукуровга кўнғироқ қилиб, Гулбону хабар бергани, харидор йўлда келаётганини айтади. М.Мамашукуров ваъда қилгандек, ўн кило эмас, балки етти кило “опий” тайёрлаб қўйган экан. “Товар”нинг миқдори ҳақида Моҳируй Гулбонуга хабар беради, у эса, ўз навбатида, бунинг харидор “Мурод”га етказилади.

Судланувчи М.Мамашукуров табиатан ўта қув ва айёр одам эди. У ўтган йилнинг 5 октябрь кунини ваъда қилинган “опий” гиёҳвандлик воситасининг бир килосини олиб, ўзининг бошқарувидида “LADA” русумли автомашинада Самарқанд шаҳридаги “Зафар” ресторани олдига етиб келади ва захри қотилни жиноий шериклари М.Шомирзаева ва Г.Эрдоновага беради. Ҳамтовоқларнинг “чўғи кам-ку?” — дегандек савол назари би-

лан қараганига жавобан шундай дейди: “Аввал бир килосини учун кўчидан 10 минг олингллар, кейин қолганини гаплашамиз”.

Харидор “Зилол бахт” меҳмонхонасининг 14-хонасида жойлашган экан. Унинг илтимосига қўра, М.Мамашукуров жиноий шериклари М.Шомирзаева ва Г.Эрдонова билан бирга 1 кило гиёҳвандлик воситасини 10 миңг АҚШ долларига сотиш мақсадида меҳмонхона ичкарасига кирган чоғида тегишли идора ходимлари томонидан ушланади.

974,16 грамм миқдордаги “опий” гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинади.

Судда ушбу жиноий қилмишнинг барча ҳолатларига тўлиқ ойдинлик киритилди. Жумладан, судланувчилар гиёҳвандлик воситасини шартли харидорга сотишга улгурмаган, М.Шомирзаева ва Г.Эрдонова “товар” учун тўланадиган пулни қабул қилиб олмаган. Яъни жиноий гуруҳ гиёҳвандлик воситаларини сотиш жиноятини ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатга қўра, охирига еткази олмаган.

Суд судланувчиларга нисбатан жазо тайинлашда иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холис текшириб чиқди. Жиноят кодексининг 25-моддаси 2-қисмидаги “Қасдан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга қўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилади” деган меъёрга амал қилди. Судланувчиларнинг гиёҳвандлик воситаларини сотишга суиқасд қилишда ифодаланган ҳаракатларини суд қароридан кейинги 273-моддаси 5-қисмидаги кодекснинг 25, 273-моддаси 5-қисмига қайта маълумлашнинг лозим топди.

Суд гиёҳвандлик воситасини сотиш жиноятини ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга қўра охирига етказолмаган жиноий гуруҳ аъзолари М.Мамашукуровга ўн уч, М. Шомирзаева ва Г.Эрдоновага ўн икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Хулоса ўрнида айтиш кераки, бутун дунёда гиёҳвандлик ва психотроп моддалари билан боғлиқ жиноятларга қарши қатъий кураш олиб бориш мумкин. Мамлакатимизда ҳам бу борада кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, мудҳиш оқибатли жиноятнинг пайи қирқилмоқда. Баён этилган воқеа тафсилоти бунинг исботидир.

Жоноиб РАУПОВ, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди судьяси Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, “Куч — адолатда” муҳбири

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кун

Кўпчилик кундалик ҳаётда қўлланиладиган нарсаларнинг аксарияти айнан болалар томонидан ихтиро қилинганини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Масалан, музлатилган лимонад, қор тозаловчи машина, саратон касаллигини аниқловчи асбоб каби кундалик ҳаётда зарур бўлган, бошқача айтганда, одамларнинг оғирини енгиб қиладиган ускуналар шулар жумласидандир. Қуйида уларнинг айримлари ҳақида маълумот берамиз.



Бугунги кунда анча оммавий спорт анжонига айланган батутни 16 ёшли Жорж Ниссен ихтиро қилганини кўпчилик билмаслиги мумкин. Ажабланарлики шундаки, қарийб 80 йил давомида ташқи кўриниши деярли ўзгармаган батут айни пайтда ҳам спортчиларнинг сеvimли спорт анжонлари қаторидан жой олган.

1824 йилда 15 ёшли Луи Брайль томонидан ўйлаб топилган махсус босма ҳарф нафақат тиббиёт, балки таълим соҳасида ҳам туб бурилиш ясади. Гап шундаки, кўзи ожизлар учун мўлжалланган ушбу босма ҳарф ногирон кишиларга мутлоаа қилиб билан бирга ўз билимини ошириш имкониятини ҳам берди. Ҳозирда бутун дунёда кенг фойдаланиладиган ушбу босма ҳарф ҳам ёш ихтирочи Луи Брайль яратган дастур тизими асосига қурилган.

Ҳайратланарли томони шундаки, ёш ихтирочилар фан-техника оламида ҳам бир қатор муҳим кашфиётларни яратишга муваффақ бўлишган. Масалан, ўн тўрт ёшли америкалик Жона Кон “Good Vibrations” деб номланган мосламани кашф этган бўлиб, у товуш тўлқинларини аниқлаш имконини беради. Бунинг натижасида товуш кучи ва оҳанги сараланиб, бутун тана учун янги мусиқий ҳиссиёт пайдо бўлади. Бу орқали эшитиш қобилияти суст бўлган тингловчилар ҳам мусиқани ҳис қилиши мумкин.

АҚШнинг Калифорния штатида истиқомат қиладиган мактаб ўқувчиси Айша Кумаржи қўл телефонлари учун мўлжалланган аккумуляторларнинг янги турини ихтиро қилган. Унинг афзаллиги шундаки, янги аккумуляторни қувватга тўлдириш учун бор-йўғи 20 сония вақт сарфланишига қарамай, у узоқ вақт давомида ишлаш имконига эга.

АҚШнинг Флорида штатида яшовчи 8 ёшли Аланна Майерс боғламаларни орғиксиз ечишга мўлжалланган ноёб воситани кашф қилишга муваффақ бўлди. Эйтиборли томони шундаки, таркиби оддий совун, лаванда ёғи ва сувдан иборат бўлган ушбу малҳам танаси бинт билан ўралган оғир аҳволдаги беморларнинг жонига ора кирмоқда.

Яна бир ёш ихтирочи Жек Андрака саратон касаллигини аниқлашнинг янги усулини ўйлаб топди. Табиатан тиришқоқ ва изланув-

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.